*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйидаги қўмиталари ташкил этилсин:

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси

Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси

Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитаси

Матбуот ва ахборот қўмитаси

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси

2. Депутатларнинг касб-кор қизиқишларини, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ва ҳаётий тажрибасини, эркин изҳор этилган майл-истагини инобатга олиб қўмиталар таркибини шакллантириш ҳамда ушбу масалани Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси тасдиғига киритиш вазифаси Олий Мажлис Кенгаши зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 февраль.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг раисларини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари этиб қуйидаги депутатлар сайлансин:

АҲАДОВ Абдурафиқ — Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси

ЙЎЛДОШЕВ Анвар Зиёевич — Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси

ЭШОНОВ Баҳодир Отабоевич — Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси

ВОҲИДОВ Эркин Воҳидович — Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

ХОЛМУРОДОВ Асқар Ғаниевич — Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси

КОЧМАРИК Изидор Андреевич — Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг раиси

ЎТАМОВ Жумабой Сапарбоевич — Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси

ЙЎЛДОШЕВА Гулнора Ботировна — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси

АБДИРОВ Чаржау — Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг раиси

МЎМИНОВ Арслон Ражабович — Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг раиси

ҲОШИМОВ Ўткир — Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси

НАИМОВ Баҳриддин Азимович — Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 февраль.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси

### *АБДУРАФИҚ АҲАДОВ*



1945 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1969 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. Иқтисодчи. «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1962 — 1990 йилларда тўқимачилик корхоналарида, банк тизими ташкилотларида меҳнат қилди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик-саноат акционерлик-тижорат банки бошқаруви раиси этиб сайланди.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси

### *АНВАР ЗИЁЕВИЧ ЙЎЛДОШЕВ*



1946 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1967 йилда Тошкент политехника институтини тугатган. Муҳандис-геолог, фан номзоди, «Ватан тараққиёти» партияси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1967 — 1993 йилларда геология-қидирув ташкилотларида ҳамда «Ўзистиқболстат» қўмитасида иқтисодий соҳаларда меҳнат қилди. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон тадбиркорлар уюшмаси бош дирекциясида директор ўринбосари бўлиб ишлади. «Ватан тараққиёти» партиясининг раиси.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси

### *БАҲОДИР ОТАБОЕВИЧ ЭШОНОВ*



1947 йилда Тошкент шаҳрида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1970 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Ҳуқуқшунос. Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1970 — 1988 йилларда ўқув юртларида, ҳуқуқшунослик муассасалари ва суд органларида меҳнат қилди. 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

### *ЭРКИН ВОҲИДОВИЧ ВОҲИДОВ*



1936 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1960 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Филолог. Ўзбекистон халқ шоири. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1960 — 1989 йилларда турли нашриётларда ҳамда нашр органларида меҳнат қилди. 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари қўмитаси раиси бўлиб ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси

### *АСҚАР ҒАНИЕВИЧ ХОЛМУРОДОВ*



1939 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1960 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультетини тугатган. Биология фанлари доктори, академик. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1961 — 1985 йилларда биокимё фани тадқиқоти билан шуғулланувчи турли муассасаларда меҳнат қилди. 1986 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Микробиология институти директори вазифасида ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг раиси

### *ИЗИДОР АНДРЕЕВИЧ КОЧМАРИК*



1943 йилда Львов вилоятининг Нижанкович туманида туғилди, украин, маълумоти олий. 1975 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатган. Муҳандис-электрик. Халқ демократик партияси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1961 — 1990 йилларда турли корхоналарда муҳандис-уста вазифаларини бажарди. 1991 йилдан — Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг котиби.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг раиси

### *ЖУМАБОЙ САПАРБОЕВИЧ ЎТАМОВ*



1948 йилда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1971 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Муҳандис-механик. «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1964 — 1993 йилларда агросаноат тармоғига ихтисослашган турли хўжалик ва ташкилотларда меҳнат қилди. 1994 йилдан бошлаб Хоразм вилоят агросаноат уюшмаси раиси вазифасида ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси

### *ГУЛНОРА БОТИРОВНА ЙЎЛДОШЕВА*



1935 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1959 йилда Тошкент тўқимачилик институтини тугатган. Муҳандис-технолог. Халқ демократик партияси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1959 — 1992 йилларда тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи корхоналарида, касаба уюшмаларида меҳнат қилди. 1993 йилдан бошлаб «Соғлом авлод учун» республика жамғармаси бошқаруви раиси лавозимида ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг раиси

### *ЧАРЖАУ АБДИРОВ*



1933 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида туғилди, қорақалпоқ, маълумоти олий. 1955 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган. Шифокор-микробиолог. Медицина фанлари доктори, академик, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1955 — 1989 йилларда соғлиқни сақлаш ва бошқа илмий муассасаларда меҳнат қилди. 1990 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон клиник ва экспериментал тиббиёт илмий-текшириш институтининг директори лавозимида ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг раиси

### *АРСЛОН РАЖАБОВИЧ МЎМИНОВ*



1948 йилда Бухоро вилояти Ромитан туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1973 йилда Куйбишев қурилиш муҳандислари институтини тугатган. Қурувчи-муҳандис. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1967 — 1992 йилларда қурилиш соҳасида турли лавозимларда меҳнат қилди. 1993 йилдан бошлаб Ромитан тумани ҳокими лавозимида фаолият кўрсатди.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси

### *ЎТКИР ҲОШИМОВ*



1941 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1964 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Журналист. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1964 — 1984 йилларда нашриётларда ва нашр органларида меҳнат қилди. 1985 йилдан бошлаб «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келмоқда.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси

### *БАҲРИДДИН АЗИМОВИЧ НАИМОВ*



1954 йилда Навоий вилоятининг Нурота туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1976 йилда Тошкент давлат университетини тугатган. Ҳуқуқшунос. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1969 — 1992 йилларда адлия ва суд органларида меҳнат қилди. 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, Ҳарбий ҳайъат раиси бўлиб ишлади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мандат комиссиясининг раиси

### *ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВ*



1957 йилда Жиззах вилояти Зомин туманида туғилди, ўзбек, маълумоти олий. 1981 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Муҳандис-механик. Техника фанлари номзоди. Партиясиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1974 — 1991 йилларда ирригация корхоналари ва муассасаларида меҳнат қилди, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида фаолият кўрсатди. 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мандат комиссиясининг раиси этиб сайланди. 1992 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимида ишлаб келмоқда.

*Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган. Бу йўлни истиқлол учун, мустақил Ўзбекистон учун, бозор муносабатлари ва умуман туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни қўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи тан олди. Халқ якдиллиги ва ҳамфикрлиги — ҳаммамизнинг буюк ғалабамиз.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

### Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Шавкат Закариевич ЎРАЗАЕВ Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили этиб сайлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 23 февраль.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

### *ШАВКАТ ЗАКАРИЕВИЧ ЎРАЗАЕВ*



1927 йилда Бошқирдистонда туғилди, татар, маълумоти олий. 1947 йилда Тошкент давлат юридик институтини битирган. Ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори, академик. «Адолат» социал-демократик партиясининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

1949 — 1993 йилларда ҳуқуқшунослик муассасаларида ишлади, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасининг Раиси бўлди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси вазифасини бажарди.

Ҳозирги вақтда Тошкент давлат юридик институтининг ректори бўлиб ишлаб келмоқда.

• *Кўнгил дафтари*

# СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

***Баҳор — интизорлик фасли. Назаримда, баҳор билан қишнинг оралиғида ҳеч бир масофа ёки бирон бир сония йўқдай... Ёзнинг, кузнинг, қишнинг қачон ва қандай бошланганини ҳам кўпинча сезмай қоламиз. Баҳор эса бирданига бошланади. Унинг ташрифини пайқамай қолиш мутлақо мумкин эмас. Баҳор ҳамма ёқни нурлатиб, гуллатиб, яшнатиб — бор овози билан кириб келади.***

***Кўкламнинг пойқадами ҳамиша қутлуғ: қарғалар бирданига ғойиб бўлиб қоладилар, олчазорлар барг ёзиб, қалдирғочлар баралла байрам қила бошлайдилар. Чиндан-да, баҳорнинг келиши яхши, лекин кетганда-чи, оёқ учларида юргандек камтаргина, беозоргина кўздан олислашади.***

***Кузни саховатли деймизу, аслида баҳорнинг бағри ҳам кенг, карами катта. У намхуш ҳаводан димиққан хонадонларга зиё бахш этади. Қалдирғочларни, қуёшни олиб киради, торайиб бораётган кўнгилларимизни кенгликларга, тоғларгаю қирларга етаклайди. Настарин гуллари димоғимизни қитиқлаганда қанча қайсарлик қилсангиз-да, чимирилган қошларингиз ўзингизга итоат қилмай ёйилиб кетади. Баҳор баъзан булут бўлиб хўмрайиши, шамол қиёфасига кириб дағдаға қилиши, чақмоқ бўлиб паришон хаёлларимизни чатнатиши ёки ёмғирга айланиб депсиниши мумкин. Лекин у қандай кўринишда, қандай шаклда пўписа қилмасин, биз барибир баҳордан озорланмаймиз, аксинча, бу дағдағалардан куч ва далда оламиз.***



Баҳор ҳар жиҳатдан бахти кулган фасл, биз уни кетиши билан соғина бошлаймиз. Баҳор ҳеч кимни ўзидан бездирмайди. Ҳолбуки, баҳор одамларга гулдан ва яшилликдан бўлак яна нима беради, деган саволга дангал жавоб топиш қийин. Унинг шингил-шингил меваларию хирмон-хирмон буғдойлари, ял-ял ёнган пахтазорлари йўқ. У осуда дилларимизга гул атрини, райҳон ва ялпиз исларини пуркаб, энг кўҳна ва энг гўзал туйғуларимизни уйғотиб юборади, холос!

Тўғри, баҳор инсонни фавқулодда ҳаракатчан ва сўзамол қилиб қўяди, у ҳақда кўп гапиришимиз мумкин. Бироқ бошқалар нима деркин! Шу мулоҳазалар билан айрим юртдошларимизга мурожаат қилиб кўрдик.

Биринчи суҳбатдошимиз **Додо НОЗИЛОВ** — Тошкент Давлат техника дорилфунунининг профессори, «Ўрта Осиё тоғ меъморчилиги» мавзусида докторлик ишини 40 ёшида ҳимоя қилган. Бўш вақтларида сурат томоша қилишни яхши кўради.

**— Домла, баҳорни яхши кўрасизми?**

— Баҳор яхши-ю, лекин мен кўпроқ кузни ёқтираман. Куз қандайдир вазмин фасл, ҳамма дарахтлар ҳар хил сарғаяди. Одам ўйчан бўлиб қолади-да, бу фаслда... Бу гапимдан домла баҳорни ёмон кўраркан, деган фикрга борманг, кузни яхши кўрсам ҳам, кўпроқ баҳорни соғинаман.

**— Нима деб ўйлайсиз, баҳор келганини қандай билиш мумкин?**

— Биласизми, биз «дом»да турамиз, баъзан иш билан банд бўлиб бир неча кунлаб уйдан ташқарига чиқмасликка ҳам тўғри келади. Мен кўпинча дарахтларни гуллаётганда эмас, гуллаб бўлгандан кейин — тасодифан кўриб қоламан. Шу нарса ўзимга жуда алам қилади. Помирликларда яхши бир удум бор: улар баҳор пайтларида мажнунтолнинг япроқ ёзган илк новдаларини уйма-уй юриб, улашиб чиқишади. Ўша сарғишроқ, ним яшил мажнунтол новдасини хонадон хўжаси уйининг шифтига осиб қўяди ва келгуси йилгача шу ҳолатда туради. Кейин шу уйдаги сигир бузоқлаганда биринчи соғилган уғуз сутини пишириш маҳалида ўша новдани ёқишни одат қилишган. Помирда одамларнинг дарахтга меҳри жуда кучли. Уни тўкинчилик, тўқчилик, серобчилик, бахт-саодат деб тушунишади. Биз эса табиатдан олислашиб кетаётганга ўхшаймиз. Буни узоқ йили «СЕМАШКО»да даволанганимда жуда яхши ҳис қилганман. Чунки у ер шундай ажойиб, шундай қимматбаҳо суратлар билан жиҳозлангандики, томоша қилиб ўтириб вақт ўтганини сезмай қолардим. Лекин ачинарлиси шуки, одамлар ўша ноёб санъат асарларига деярли эътибор беришмасди. Қайтангга улар менинг ўзимга қараб ҳайратланишгандек бўларди назаримда.

**— Баҳорнинг қайси неъматларини кўпроқ суйиб ейсиз?**

— Баҳорнинг ҳамма неъмати ҳам бир-биридан ширин, лекин мен айниқса, тутни яхши кўраман. Боболаримизнинг айтишича, бир йилда бир ҳафта тўйиб тут еган киши ҳар хил юқумли касалликларга чалинмас эмиш. Қолаверса, тут энг оғир йилларда кишиларни очарчиликдан асраб қолган, дейишади. Шу далиллар болаликдан миямга сингиб кетгани учунми, ишқилиб ҳар йили баҳор чоғларида ўзимни ҳам, фарзандларимни ҳам тутга тўйдиришга ҳаракат қиламан.

Навбатдаги суҳбатдошим **Зуҳра АШУРОВА** — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актрисаси. Ҳотиржам пайтларида шеър мутолаа қилади.

**— Зуҳрахон, қайси гулни кўпроқ яхши кўрасиз?**

— Мен гулларнинг ҳаммасини яхши кўраман. Аниқроқ қилиб айтсам, настарин гули менга кўпроқ ёқади.

**— Агар сиз ҳозир бир зумга сеҳргар бўлиб қолганингизда нимани тилаган бўлардингиз?**

— Дунёдаги ҳамма одамлар бир-бирига боғланиб, бирданига ҳамма меҳрибон ва яхши одамга айланиб қолишини сўраган бўлардим.

**— Сир бўлмаса, қайси рангли кўйлаклар кийишни ёқтирасиз?**

— Пушти ва ҳаворанг кўйлаклар кийсам ўзимни жуда енгил ва яхши ҳис қиламан.

**— Сизнингча, қайси дарахт чиройли гуллайди?**

— Шафтоли.

**— Бу йилги баҳорнинг қандай келишини истардингиз?**

— Энг муҳими, баҳоримиз табиий офатлардан холи ва беташвиш ўтсин!

**— Раҳмат сизга!**

Кейинги саволларимни мен Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси **Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ**га бердим. У киши режиссёр. Фахриддин аканинг журналистларга эътиқоди ниҳоятда баланд.

**— Ҳозир ҳаётингизда юз берган энг унутилмас баҳорни эслай оласизми?**

— Ўтган йилги баҳорни ҳеч қачон унутмасам керак. Қўш қизимдан қўш набирали бўлдим. Аллоҳ таоло Фотима-Зуҳра қизларимнинг ҳар иккисига ҳам Темур бувамиз таваллуд топган муборак кунларда ўғил берди.

**— Баҳорнинг нимаси яхши?**

— Баҳорнинг шуниси яхшики, унда хафа одамни кўрмайсиз. Мен кўкламда кўпроқ яёв юргим келади. Далада ишлаётган кишини кўрсам яйрайман. Шуни билингки, бизга ризқу насибани осмон ҳам, юлдуз ҳам бермайди. Биз уни фақат ердан оламиз. Насибамизни изласак ҳам, изламасак ҳам барибир ер бизни тафти билан ҳам, меҳри билан ҳам ўзига қаратиб олади назаримда.

**— Фахриддин ака, шаҳар баҳори билан қишлоқ баҳорини бир-бирига қиёслай оласизми?**

— Энг аввало, баҳор ҳамма жойга — далага ҳам, қирга ҳам, даштга ҳам, шаҳарга ҳам бир хил келади. Халқимизнинг: «Қиз танласанг, куз танла» деган зўр гапи бор. Чунки баҳор нафақат табиатни, балки одамларни ҳам яшнатиб, ёшартириб юборади. Ҳалиги саволингизга келсак, ўзим далада туғилиб, далада катта бўлганим учунми, барибир қишлоқ баҳори бошқачароқ туюлади. Назаримда, баҳор қишлоқдан бошланиб, кейин шаҳарга келса керак.

**— Баҳорда одамлар қаерларгадир боргиси, хордиқ чиқаргиси келади. Шунда сиз қандай дам олиш йўлини танлаган бўлардингиз?**

— Тўғри, баҳорда одамларнинг қорни, эгнидан тортиб, кўнглигача жуда-жуда кўп нарсаларни тусайди. Мен айни мана шундай «илик узилди» пайтларида меҳмондорчиликни, борди-келдини кўпайтириш тарафдориман. Болаларнинг нафси тўяди, катталар ҳам бир-бирлари билан дийдорлашиб хумордан чиқади.

Сўнгги саволларимга драматург **Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ** жавоб берди. У «Беозор лайлакларга тегманг», «Тўмарис», «Фиғон» спектаклларининг муаллифи. Тундан ҳаловат топмоқчи бўлади. Қоронғуликда сайр этишни, китоб ўқишни яхши кўради.

**— Салоҳиддин, сиз ҳамма фаслдан ҳам кўра кўпроқ баҳорни яхши кўраркансиз. Бунинг сабабини қандай изоҳлашингиз мумкин?**

— Баҳор — ранглар, гуллар фасли. Бу мавсумда дунё минг хил рангда товланади. Ундан кейин яхши кўрганим учунми, баҳор менга жуда кўп нарса берган. Муҳаббатимни — хотиним Роҳилани ҳам илк марта баҳорда учратганман. Ўғилларим Жасур билан Шохбоз ҳам шу фаслда туғилган. «ФИҒОН» — Нодирабегим ҳақидаги драмам ҳам март ойида саҳна юзини кўрган. Энг асосийси, мен баҳорда жуда кўп ёзаман.

**— Айтганингиздек, севишган дилларни кўпинча баҳор учраштиради. Шундай эмасми?**

— Севги фасл танламайди. Лекин баҳор энг лоқайд кўнгилларга ҳам сездирмайгина англаб бўлмас ҳисларни солиб қўяди. Одам ўзи англамаган, кутмаган ҳолда ҳам кимнидир севиб қолиши мумкин. Бу ҳам биз суйган баҳорнинг илоҳий бир қудрати, мўъжизасидир-да! Яна ким билади...

Хуллас, баҳор тўғрисида, ким билан гаплашманг, бари-бир маза қиларкансиз. Чунки гул ҳақида, қушлар ҳақида ғижиниб, ориниб гапириш мутлақо мушкулдир. Зотан баҳорда қуёш ҳам катталашиб, осмон баландлашгандек бўлади, ер кенгайиб кетаётгандек туюлади. Энг нохуш тушларингизни ҳам яхшиликка йўйгингиз, ҳаммадан ҳиммат кутгингиз келади.

Нима ҳам дердим, қанча мақтамайлик, қанча хушомад қилмайлик, баҳор бир кунмас бир кун яна бизларни тарк этади. Фақат бир илинжимиз борки, у ҳам бўлса, баҳор инъом этган туйғулар сизу бизни ҳеч қачон ташлаб кетмасин!..

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,**
**«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири.**

• *БЕЛЛАШУВЛАР, ВОҚЕАЛАР, НАТИЖАЛАР*

# ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Спорт гимнастикачиларимиз келгуси йили Американинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган Олимпиадада жамоа бўлиб қатнашиша оладими, ё йўқми? Бу кўпроқ гимнастикачиларимизнинг бу йил Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида эришадиган натижаларига боғлиқ. Спорт гимнастикаси федерациясида ўтказилган йиғилишда ана шу мусобақага пухта тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди. Етакчи гимнастикачиларимиз Олимпиада ва жаҳон чемпиони Оксана Чусовитина ва Анастасия Дзюндзяк бошчилигидаги терма жамоага номзодлар аниқланди. Айни кунларда улар етакчи мутахассислар Светлана Кузнецова, Алла Минакова, Раиса Панасюк, Эльвира Ракова устозлигида машғулотларга зўр беришяпти. Терма жамоамиз Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун жаҳон чемпионатида умумкўрсаткичлар бўйича кучли ўн иккиликдан жой олиши лозим. Бунинг учун Руминия, Америка, Россия, Хитой, Украина каби кучли жамоалар билан Японияда жиддий баҳслашишга тўғри келади.

***

Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида анъанавий халқаро турнир ўтказилди. Гарчи бизнинг ёш енгил атлетикачиларимиз шахсий кўрсаткичлар бўйича юқори натижа кўрсатган бўлсада, умумжамоа ҳисобида Қозоғистон спортчилари 194 очко жамғаришиб, ғолиб чиқишди. Бизнинг енгил атлетикачиларимиз 163 очко билан 2-ўринни эгаллашди.

***

Осиё қитъасида футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал қисми бирор марта ўтказилмаганлиги кўпроқ Япония мамлакатини ташвишга солаётган кўринади. 2002 йилги жаҳон чемпионатини Токиода ўтказишни сўраб мамлакат бош вазири Томити Мураями ФИФА президенти Жоао Авеланжга мактуб йўллади. Шунингдек, Жанубий Корея ва Мексика мамлакатлари ҳам иккимингинчи йилнинг илк жаҳон чемпионатини ўзларида қабул қилиш истаклари борлигини билдиришди.

***

Республикамизда Майя Чибурданидзени билмаган шоҳмот мухлиси бўлмаса керак. Аёллар ўртасида беш карра жаҳон тождори бўлган бу гроссмейстер узоқ танаффусдан сўнг яна шоҳмот оламига қайтишга қарор қилди. Черков отаси Рафаил: «Ҳамма нарсадан бебаҳра, қашшоқлашган Ватан учун қувонч керак, сен Грузияга шоҳмот тожини қайтариб, бу қувончни унга ҳадя эта оласан» — дея Майянинг шундай қарорга келишига ундади. Эндиликда Чибурданидзе тож даъвогарлиги учун венгриялик гроссмейстер Жужа Полгар билан учрашувга ҳозирлик кўраяпти. Унга сўнгги 8 йил давомида Гарри Каспаровга мураббийлик қилган Зураб Азмайпарашвили устозлик қилаяпти.

***

Тайсоннинг қамоқдан чиқишини нафақат бутун дунё профессионал бокс ихлосмандлари, балки жаҳоннинг «биринчи рақамли» боксчиси бўлишга талабгор рақиблари, мураббийлар, ишбилармонлар, журналистлар ҳам сабрсизлик билан кутишаяпти. Сўнгги маълумотларга кўра, энг оғир вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон шу йил 25 мартда озодликка чиқади. Ёзда эса, унинг иштирокида мукофот жамғармаси 100 миллион доллар бўлган ажойиб ринг учрашуви ўтказилади. Бу маблағдан юқорида санаб ўтилган барча касб эгалари ҳам манфаатдордир. Эндиликда мусулмон динини қабул қилган Тайсон бўлғуси учрашувга қамоқхона шароитида пухта тайёрланаяпти.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ўтган йил давомида вилоят аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Зафаробод, Ғаллаорол туманларида қулайликларга эга бўлган замонавий автобекатлар қурилиб ишга туширилди.***

# «ОЛМАЗОР» — ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Зомин, Бахмал, Фориш туманларидаги автобекатлар ҳудудида тижорат дўконлари, овқатланиш шохобчалари, маиший хизмат тармоқлари кўпайтирилди. Энг узоқ қишлоқларга автобус қатнови йўлга қўйилди.

Ўн битта тумандан, қўшни вилоятлардан оқиб келаётган транспорт «артерия»сини қабул қилиш ва кузатишга Жиззах бош бекатининг қуввати ва имконияти етмай қолди. Шуни ҳисобга олиб, шаҳарнинг «Ўрда» қисмида иккинчи бош бекат ишга туширилди. «Олмазор» деб аталувчи бу янги маскан асосан еттита тоғ ва дашт туманларини вилоят маркази билан боғлаб туради.

Бошбекатда барча тоифадаги йўловчиларнинг эҳтиёжига мос тушувчи шароитлар яратилган. Жумладан, оналар ва болалар хонаси, кутиш зали, номозхона, шийпонли ёзги майдончалар, ошхона, чойхона ва дўконлар улар хизматида. Бекат кунига тўққиз юздан зиёд йўловчига беминнат хизмат кўрсатяпти.

Аҳоли бундай ғамхўрликдан мамнун.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Тарихимиз зарварақлари*

# АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ЭРМИТАЖДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБ




***Таниқли шарқшунос А. Ю. Якубовский ўзининг «Темур ва темурийлар даврида Самарқанд» очеркида Марказий Осиёнинг қадимий шаҳри — «Шарқ Рими» номини олган Самарқандда ҳунармандчилик ва қурилиш ишларининг қандай ривожлангани ҳақида батафсил ёзади.***



Самарқандга бағишланган рус тилидаги илк манбаалардан бири бўлган бу китобнинг ҳажми 64 саҳифадан иборат. У ноёб архитектура ёдгорликлари ва ўймакор усталар ишлаган буюмларнинг суратлари ҳамда Шарқ бадиий миниатюраларидан намуналар билан безатилган.

Шуниси қизиқки, эндиликда нодир ҳисобланган бу китоб 1933 йилда турли халқларнинг маданият ва санъат тарихини ўрганувчи илмий муассаса, йирик музей — Эрмитаж томонидан нашр этилган.

Рус олими Самарқанд мавзуига бу билан биринчи марта мурожаат қилаётгани йўқ. 1925 йилда унинг «Восток» альманахида «Кўҳна Самарқанд қиёфалари» сарлавҳали очерки эълон қилинган эди. А. Якубовский тадқиқотининг бир бўлимида Амир Темур нималарга эътиборни кўпроқ қаратди, дея ўз олдига савол қўяди ва жавобида биринчи навбатда ҳунармандчиликни таъкидлайди. Шунингдек, рисола муаллифи Клавихо кундалигидан кўчирма келтириб, Самарқанднинг бойлиги нафақат ҳунармандчилик билан, балки бу ерда кўплаб тайёрланадиган атлас, тафта ва бошқа турли хил ипак газламалар билан ҳам ўлчанишини зарурлигига урғу беради.

Турон буюк ҳукмдорининг юртда савдони кенг қамровли йўлга қўйиши катта аҳамиятга эга. Клавихо сўзлари билан айтганда: «Самарқанд шаҳрида ҳар йили кўплаб турли хил маҳсулотлар Хитойдан, Ҳиндистондан, Туркистондан ва бошқа жойлардан ҳамда бой бўлган Самарқанд салтанатининг бурчакларидан келтириб сотилган».

**С. ҲАСАНОВА.**

• *Мададталаб мактублар*

# БАНДИХОНГА ГАЗ КЕЛАРМИКАН?

***Бандихон туманини тузишдан муддао ушбу ҳудудни обод қилиш эди.***

Шу мақсадда бир қанча ишларга қўл урилди. Лекин айрим муҳим юмушлар олға силжимаяпти.

Маълумки, газлаштиришни ҳукуматимиз назорат қилиб турибди. Аммо бизнинг Бандихонда бу масалада ишлар бошлангани йўқ. Шундан билса бўладики, бу ерларга ҳали-бери табиий газ келмайди. Сувни эса ҳамон ташиб ичмоқдамиз.

**Муродхон ҳожи МУҲАММАДИЕВ.**

**Акционерлар, инвесторлар, тижорат банклари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ДИҚҚАТИГА !**

**"Ташполиграфкомбинат" Сизлар учун қуйидагиларни тайёрлаб беради**

- **Акционерлик жамиятларининг акциялари.**
- **Корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида ордер.**
- **Сертификатлар, чек дафтарчалари, лоторея билетлари.**
- **Майда-чуйда буюм ва колхоз бозорларида жисмоний шахслардан йиғим олингани ҳақида бир марталик талонлар, сотиш ҳуқуқи ҳақида руҳсат гувоҳномаси, арақ-вино ва бошқа молларни сотиш ҳуқуқи ҳақида лицензия. Буларнинг ҳаммаси рўйхатта олинган рақами ва қатъий муҳофазаси билан берилади.**
- **Каучукли ва металл муҳр ҳамда штамплар.**
- **Жиддий ҳисобот ҳужжатлари, товар-транспорт накладнойлари.**

Қатъий муҳофаза, арзон нарх, юқори сифат, қисқа муддат.

44-38-93 : 44-34-01 : 44-37-92

Тошкент шаҳри : Навоий кўчаси 30



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-6 5;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Ш. Мутаҳҳархон ўғли.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0067 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.50.

1 2 3 4 5 6